

---

## **“Бир контур – бир маҳсулот” тамойили асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича семинар ўтказилди**

Учӯпприк туманида аҳолига берилган ер майдонларида “Бир контур – бир маҳсулот” тамойили асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича амалий семинарлар ташкил этилмоқда.

“Катта кенагас” ва “Фаровон” маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказилган семинарда туман ҳокими ўринбосарлари Жаҳонгир Бегматов ва Шуҳратжон Позилов, кадастр агентлиги ва тижорат банклари масъуллари, дехқон хўжаликлари, онлайн аукцион орқали ер майдонлари ажратилган ёшлар ҳамда эҳтиёжманд оиласлар вакиллари иштирок этди.

Семинарда аҳолига ажратилган ерлардан унумли фойдаланиш, “Бир контур – бир маҳсулот”

тамойили асосида талаб юқори бўлган маҳсулотларни етиштириш, экспорт қилиш ҳамда

Президентимизнинг 2024 йил 5 апрель кунги “Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг

даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини

ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар тўғрисида

батафсил маълумот берилди.

“Бир контур – бир маҳсулот” тамойили асосида худудларда тупроқ-иқлим шароити, дехқончилик маданияти, маҳсулот сотиб оловчи кластер, кооперациялар, қайта ишлаш ва экспортёр корхоналар талаби асосида қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштирилиши лозимлиги қайд этилди.

Шу боисдан, аҳолига ажратилган ер майдонларида “Бир контур – бир маҳсулот” тамойили асосида юқори даромадли ва экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича намунавий лойихалар амалга оширилиши белгилаб олинди.

Аҳолининг ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланиши ва юқори даромад топишига қаратилган бу каби амалий семинарлар барча маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказилмоқда.

2025-01-14 09:28:37